Ушбу сонда: 2 ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ 3 4 31 АВГУСТ — ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 31 август, шанба № 140-141 (1358)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## “САРБОНТЕКС” КУЧАЙМОҚДА

Бир йилдан буён Гулистонда фаолият кўрсатаётган “Сарбонтекс” қўшма корхонаси ўз ишлаб чиқариш қувватларини оширмоқда. Жорий йилнинг дастлабки ярмида корхона томонидан салкам бир миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Тушган маблағдан 492 миллион сўми калава , 270 миллион 700 минг сўми эса тиббий докалар, 213 миллион 894 минг сўми тиббий бинтлар ишлаб чиқариш ҳисобига тўғри келди. Ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсишига мос тарзда пахта толасини қайта ишлаш суръатлари ҳам ошмоқда.

## ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

***30 август куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.***

***Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.***

***Сессияни Олий Мажлис раиси Э.Халилов бошқарди.***

***Парламент сессиясининг иккинчи куни янги таҳрирдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Уни депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси Қ.Жумабеков ҳавола этди.***

***Ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасида Президент Ислом Каримов сўзга чиқди.***

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ер ости бойликларидан халқ ва келажак авлод манфаати йўлида оқилона фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. Мамлакатимиз улкан ва ноёб табиий бойликларга эга, улардан хўжалик фаолиятида имкон қадар тезроқ фойдаланишни йўлга қўйиш зарур. Бугун ер ости бойликларидан самарали ва оқилона фойдаланишнинг устувор йўналишларини аниқ белгилаб олиш, ушбу соҳада мавжуд барча тўсиқларни бартараф этиш ғоят муҳимдир. Президент, шунингдек минерал ресурсларнинг миқдори ва жойлашган жойини кўрсатган ҳолда табиий бойликларнинг махсус реестрини тайёрлаш, мамлакатимизда мавжуд фойдали қазилмалар захираларига нисбатан жаҳон бозоридаги коньюктурани доимий равишда ўрганиш, қулай инвестициявий иқлим яратиш лозимлигига эътибор қаратди. Юртбошимиз ушбу масалаларнинг барчасини қонунни якуний ишлаб чиқишда ҳисобга олишни таклиф этди. «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат акционерлик концерни раиси Н.Кучерский, Янгибозор тумани ҳокими Э.Юсупов, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ турдаги акционерлик жамияти бош директори Г.Прохоренко, «Фарғонанефткимёмонтаж» масъулияти чекланган жамият раиси Р.Жалилов мазкур ҳужжат тўғрисида фикр билдирди.

Олий Мажлис янги таҳрирдаги «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунни биринчи ўқишда қабул қилиш ва уни умумхалқ муҳокамаси учун чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессияда «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунни Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов тақдим этди.

Мазкур қонун лойиҳасини муҳокама этишда Президент Ислом Каримов оммавий ахборот воситаларида цензура бекор қилинган шароитда сўз эркинлигига масъулият билан ёндашиш тўғрисида унутмаслик зарурлигини таъкидлади. Журналистлар материал тайёрлашда ўзбек халқининг Ғарб давлатлари халқларидан жиддий фарқ қиладиган менталитети, анъана ва урф-одатларини ҳисобга олиши лозим. Сўз эркинлиги тафаккурнинг юқори маданиятини ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўз вазифаларига виждонан ёндашувини инкор этмайди.

Олий Мажлис «Ўзбекистон матбуоти» журналининг бош муҳаррири, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамраиси Х.Дўстмуҳамедовнинг ушбу масала бўйича чиқишидан сўнг қонун лойиҳасини биринчи ўқишда тасдиқлади ва уни умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Депутатлар, шунингдек «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунни муҳокама этди ва қабул қилди.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов депутатлар эътиборига ҳавола қилди. «Фарғонаазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А.Абдуллаев, Бандихон тумани ҳокими Ў.Чўтбоев, Шаҳрисабз тумани марказий шифохонаси бош шифокори П.Бадалбоеванинг чиқишларидан сўнг Олий Мажлис қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва уни умумхалқ муҳокамаси учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

«Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини сессия иштирокчилари эътиборига парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафоева тақдим қилди. Муҳокама чоғида 1-Тошкент давлат тиббиёт институти ректори, «Адолат» Ўзбекистон социал-демократик партияси сиёсий кенгаши биринчи котиби Т.Даминов, «Намангангазтаъминот» шўъба корхонаси директори З.Тожибоевнинг чиқишларидан сўнг Олий Мажлис «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

«Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳаси тўғрисида сессияда Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов маъруза қилди. Мазкур ҳужжат муҳокамасида Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши масъул котиби А.Болиев, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири Э.Аъзамов, «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси раиси Мурод Муҳаммад Дўст, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси бошқаруви раиси И.Латипов, Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Ахборот» дирекциясининг Фарғона водийси бўйича мухбири М.Обидов, Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Ёшлар» телеканали бош дирекциясининг бош директори Х.Давронов, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳузуридаги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси етакчи хонандаси Ю.Усмонова, Гулистон шаҳридаги 4-мактаб директори Г.Латипова иштирок этди. Парламент мазкур қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссиялари номидан депутат Н.Исмоилов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини сессия эътиборига ҳавола этди. Депутатлар ушбу қонунни қабул қилди.

Сессия Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва Олий Мажлис Кенгашининг айрим қарорларини тасдиқлади.

Парламент иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессияси Котибияти раҳбари Т.Норқуловнинг сессия давомида келиб тушган фуқаролар мурожаатлари ҳақидаги ахборотини тинглади.

Депутатлар Б.Эшоновни берган аризасига кўра Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси лавозимидан озод қилди ва Б.Мустафоевни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси этиб сайлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари А.Ишметов тақдимига кўра сессия Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгаришлар киритди. Олий Мажлис, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломов тақдимига кўра мазкур суд таркибига ўзгаришлар киритди.

Депутатлар Н.Исмоиловни Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси этиб сайлади.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси ўз ишини якунлади.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,

1 сентябрда нишонланадиган мамлакатингиз мустақиллигининг 11 йиллиги муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига Америка халқи номидан қутловлар йўллашга ижозат бергайсиз.

Бу йил Америка-Ўзбекистон муносабатлари учун шонли давр сифатида ёдимизда қолади. Терроризмга қарши курашга қўшган фидокорона ҳиссаси учун ҳукуматингиздан чуқур миннатдормиз ҳамда иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш борасида Сизнинг саъй-ҳаракатларингизни юксак қадрлаймиз. Биз бутун минтақада ижобий рол ўйнайдиган гуллаб-яшнаётган ва барқарор Ўзбекистонни бунёд этишда бундан буён ҳам ҳукуматингиз билан ҳамкорлик қилишга содиқ бўлиб қоламиз.

Келгуси йилда Ўзбекистон билан Қўшма Штатлар ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланишига ишончим комил.

Самимий эҳтиром ила,

**Жорж БУШ,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни байрам қилиниши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг чин дилдан қутловларимни ҳамда Сизга эзгулик ва мамлакатингиз халқига равнақ тилаб билдирган самимий истакларимни йўллаш менга ғоят катта мамнуният бахш этади.

**АКИХИТО,**
**Япония Императори**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноблари,

Сизни Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан муборакбод этаман.

Ўтган йил мобайнида Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ўзаро муносабатлар, жумладан, ўзбек ва герман сиёсатчиларининг кўпдан-кўп учрашувлари туфайли янада мустаҳкамланди. Германия Ўзбекистонни муҳим шерик ва Марказий Осиёда барқарорлик гарови деб ҳисоблайди. Сизнинг мамлакатингиз терроризмга қарши кучлар сафига қўшилди ва Афғонистонда тинчликни тиклаш борасида Германиянинг саъй-ҳаракатларини фаол қўллаб-қувватлади.

Демократия, инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги ҳақиқий барқарорликнинг узвий шартларидир. Ишонаманки, биз мулоқот йўли билан мана шу мақсадларга яқинлашамиз.

Сизга мамлакатингиз фуқароларининг бахт-саодати йўлида олиб бораётган сиёсатингизда муваффақиятлар, ўзбек халқига эса эркинлик, хавфсизлик ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

**Йоҳаннес РАУ,**
**Германия Федератив Республикаси Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Кириб келаётган миллий байрам - Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинган кун муносабати билан Хитой ҳукумати ва хитой халқи номидан, шунингдек шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига ва Сиз орқали бутун ўзбек халқига қизғин қутлов ҳамда самимий тилаклар йўллайман.

Кейинги йилларда мамлакатингиз Сиз, Жаноби Олийларининг раҳбарлиги остида мамлакат қурилишининг барча соҳаларида ҳамманинг эътиборига сазовор бўлган катта муваффақиятларга эришди. Мамлакатингиз халқаро майдонда тобора муҳим рол ўйнамоқда. Биз ҳам бунга чин қалбдан қувонамиз.

Шу йилнинг июнида биз Санкт-Петербургда жуда яхши музокаралар ўтказдик. Мен аввалдагидек Сиз, Жаноби Олийлари билан биргаликда Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик, барқарорликни сақлаш ҳамда тараққиёт йўлида муттасил куч-ғайрат сарфлашга тайёрман.

Мамлакатингизнинг равнақ топиши ва қудрати ўсишини, унинг халқи эса бахтиёр бўлишини тилайман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

**Цзян ЦЗЭМИНЬ,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Дўст ва қардош Ўзбекистоннинг миллий байрами ва Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Зоти Олийларини ва ўзбек халқини турк халқи ва шахсан ўз номимдан энг самимий тилакларим билан қутлайман.

Туркия қардош Ўзбекистон билан алоқаларига алоҳида аҳамият бермоқда. Тарихларга уланган ришталардан куч олган алоқаларимиз ва ҳамкорлигимиз келгусида муштарак манфаат асосида янада ривожланишига ишонаман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Зоти Олийларига соғлиқ ва бахт, дўст ва қардош ўзбек халқига омонлик ва фаровонлик тилакларимни чин дилдан изҳор этаман.

**Аҳмет Неждет СЕЗЕР,**
**Туркия Президенти**

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўз қутловларимни ҳамда Ўзбекистон халқига омонлик тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллайман.

**БЕАТРИКС,**
**Нидерландия Қироличаси**

## КАФОЛАТ МУДДАТИ - БЕШ ЙИЛ

Ўтган йили Ўзбекистон ва Хитой ўртасида умумий қиймати ўн икки миллион АҚШ долларига тенг 450 мингта газ ҳисоблаш асбоблари етказиб бериш бўйича шартнома имзонланган эди. Бу маблағ имтиёзли кредит сифатида ўн икки йилда қайтариш шарти билан ажратилган.

Мазкур шартномага мувофиқ Тошкентда Хитойнинг «Машимпекс» компанияси «Ўзкоммунхизмат» давлат агентлигига газ ҳисоблаш асбобларининг 40450 донадан иборат биринчи туркумини топширди. Қолган қисми мамлакатимизга кейинги йилнинг апрел ойигача етказиб берилади. Бу дастурнинг тўлиқ молиявий таъминотини Хитой Эксимбанки амалга оширади.

Газ ҳисоблаш асбоблари сифат сертификатига эга ва мамлакатимиз стандартлари талабларига тўлиқ жавоб беради. Мазкур маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар унга беш йил кафолат бериши ҳам маҳсулотнинг чидамлилигидан дарак беради.

Мамлакатимиз аҳолиси учун зарур қулайликлар яратиш мақсадида республикамиз вилоятларида газ ҳисоблаш асбобларига сервис хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш марказларини очиш режалаштирилмоқда.

(ЎзА).



## ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИДИР БУ...

Не ажиб саодатки, айнан энг улуғ, энг азиз байрам -Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллик шодиёналари арафасида Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус темир йўлида йўловчи поездлар қатнови бошланди.

Қизилқум барханларини оралаб, Оролбўйи минтақасининг беадад кенгликлари бўйлаб ўтган пўлат излар мамлакатимизнинг ягона темир йўл тизимига уланди. Бу ҳудудларда истиқомат қиладиган ватандошларимизнинг асрий орзуси ушалди: мамлакат пойтахти -Тошкентга энг яқин, энг қулай йўл очилди.

Диёримиз аҳлининг узоғини яқин, оғирини енгил қилиш баробарида, юртимиз тараққиётида беқиёс иқтисодий-ижтимоий аҳамият касб этувчи мазкур улкан иншоотнинг ишга туширилиши халқимизга чексиз ғурур ва қувонч бағишламоқда.

Ушбу бемисл иншоот ғояси ва қурилишининг ташаббускори бўлган Президентимиз Ислом Каримов номига ватандошларимиз йўллаётган самимий дил сўзларида ҳам шу ҳақда сўз боради. Жумладан, Қаллибек Камолов, Норбой Эшмуродов, Махмуд Идирисов, Бердибой Қурбонов, Жалел Муятдинов, Василий Вольнов, Сапарбой Султонов ва Ағитой Адилов каби қорақалпоғистонлик бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийларининг Юртбошимизга мактубида шундай сатрлар бор:

**«Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!**

**Абадий мустақиллигимизнинг ўн бир йиллик байрами арафасида республикамиз халқи катта қувонч билан Сизга чуқур миннатдорлигини изҳор қилади. Чунки, Сизнинг ташаббусингиз ва оталарча ғамхўрлигингиз туфайли бунёд этилган Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус янги темир йўл тармоғининг Қарияларни қадрлаш йилида ишга туширилиши тарихий воқеа бўлиб, буни халқимиз чексиз қувонч билан эътироф этмоқда.**

**«Аср магистрали» дея таърифланаётган бу улкан иншоотнинг қуриб битказилиши республикамиз аҳлининг узоғини яқин қилиш билан бирга, шимолий минтақамиз ривожига, мамлакатимизнинг тараққиётига хизмат қилиб, халқимизни янги бунёдкорлик ишларига руҳлантиради.**

**Қорақалпоғистон халқи, айниқса, фахрийлари Сизнинг халқпарвар, узоқни кўзлаб юритаётган сиёсатингизни, юртимиздаги яратувчилик ишларини, кенг қамровли ислоҳотларни қатъий қўллаб-қувватламоқда. Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, Ватанимизнинг буюк келажаги йўлидаги эзгу ишларингизда доимо зафарлар тилаймиз!»**

Дарҳақиқат, олис мозийда Буюк Ипак йўлининг қанчадан-қанча савдо карвонлари бетиним ўтиб-қайтган, бунинг натижаси ўлароқ маданияти юксалган, тараққиёти гуркираган диёримизда мустақилликнинг дастлабки давриданоқ Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида йўлсозлик ишлари, транспорт ва коммуникация тизимини жадал ривожлантириш, юк ташиш ва йўловчиларга хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш масалаларига катта эътибор қаратилаётир.

(Давоми 2-бетда)

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Улуғ сана - Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни арафасида Покистон халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан Ўзбекистон Республикаси халқини ва ҳукуматини чин дилдан муборакбод этиш шарафига муяссар бўлганимдан бағоят мамнунман.

Икки мамлакат ўртасидаги илиқ ва дўстона муносабатлар келажакда ҳам равнақ топишига умидворман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва ўзбек халқига туганмас равнақ ва фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга ўз эҳтиромларимни яна бир бор изҳор этишга рухсат этгайсиз.

**Генерал Парвез МУШАРРАФ,**
**Покистон Ислом Республикаси Президенти**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан Корея Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига самимий қутловларимни изҳор этишдан ғоят мамнунман.

Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликни ривожлантиришда олға томон талайгина силжиш қилинганлигини мамнуният билан қайд этган ҳолда, бу муносабатлар мамлакатларимизнинг манфаатлари йўлида бундан буён ҳам узоқ йиллар мобайнида мустаҳкамланиб бораверишига ишончим комил эканлигини изҳор қиламан.

Сизга мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар, шунингдек буюк мамлакатингизга равнақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни лутфан қабул қилгайсиз.

**Ким Дэ ЖУНГ,**
**Корея Республикаси Президенти**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига бағоят самимий қутловларимни изҳор этиш менга алоҳида мамнуният бахш этади. Ушбу фурсатдан бажонудил фойдаланиб, айни вақтда шахсан Сизга омонлик, Ўзбекистон Республикаси халқига эса саодатли истиқбол тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллайман.

**Томас КЛЕСТИЛЬ,**
**Австрия Республикаси Федерал Президенти**

# БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида Андижон вилоятининг шаҳар ва туманлари бўйлаб анъанавий автопойга бўлиб ўтди. Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг вилоят кенгаши томонидан қатор ташкилотлар ёрдамида ўтказилган автопойга ушбу ташкилот ютуқларининг ўзига хос кўригига айланди.

Ташкилотнинг вилоят кенгаши таркибида 3 та автомактаб, 11 та спорт-техника клуби ва битта бирлашган техника мактаби бор. Техника мактаби республикада мавжуд автомактаблар орасида иккинчи ўринда туради. Қўрғонтепа туманидаги автомактабнинг бирламчи ташкилоти республикада энг яхши деб топилди. Вилоят кенгаши фаолияти йўналишларидан бири - спортнинг техник турларини ривожлантириш ва оммалаштиришдир. Шу йилнинг ёзида Ганноверда ўтказилган спортнинг кема моделлари тури бўйича жаҳон чемпионатида Наил Ҳакимзянов қўлга киритган иккита кумуш медал сўнги зафарлардан биридир.

**(ЎзА).**

# ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИДИР БУ...

**(Боши 1-бетда)**

Куни кеча янги пўлат излар бўйлаб йўлга чиққан «Тошкент-Нукус-Тошкент» йўналишидаги дастлабки поезднинг илк йўловчилари қаторида сафарда юриб, мазкур темир йўл линиясининг ишга туширилиши, ҳақиқатан ҳам, мамлакатимиз тараққиётида янги саҳифа, халқимиз ҳаётида файзли воқеа бўлганини қалбдан ҳис этдик.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йилдаги қарорига мувофиқ бошлаб юборилган Учқудуқ-Мискин-Тўрткўл-Султон Увайстоғ йўналишидаги янги темир йўлни бунёд этишда ўтган давр мобайнида жуда катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Навоий-Учқудуқ, Нукус-Султон Увайстоғ темир йўл линиялари тўла таъмирланди. Тинчлик-Учқудуқ-2 участкасида тахминан юз километрлик темир йўлнинг устки қисмини мустаҳкамлаш ишлари бажарилгани туфайли мазкур участкада поездлар ҳаракатини соатига 100 километргача ошириш имконияти юзага келди.

- Қарийб ўн йиллик амалий тажрибамдан келиб чиқиб шуни айтишим мумкинки, янги йўлда поездларнинг соатига 80-100 километр тезликда ҳаракатланиши энг мақбул натижадир, - дейди поезднинг бош кондуктори Рафиқ Зайнуддинов. - Умуман олганда, ҳамма нарса, шу жумладан, темир йўл ҳам қаровни, эътиборни талаб этади. Агар янги йўлга тегишлича хизмат кўрсатиб турилса, яқин келажакда поездларнинг ҳаракатланиш тезлигини бундан ҳам яхшилашга эришиш ҳеч гап эмас.

Қизилқум - қуми, тупроғи, онда-сонда учраб қоладиган уюм-уюм тошлари, ҳатто саксовул, юлғун, ёвшан, қорақулоқ, каврак каби ўсимликларининг ранги ҳам қизғиш, бир сўз билан айтганда, исми жисмига монанд бепоён саҳро. Табиийки, об-ҳавоси доимо ўзгариб турадиган Қизилқумнинг шафқатсиз шароитида, ёзнинг 50 даражадан ошадиган жазирамасида ёинки қишнинг қирчиллама қорли-аёзли кунларида қум барханлари бағрида пўлат излар ўрнатишнинг ўзи бўлмайди. Бу, аввало, ишбошилардан мукаммал лойиҳа асосида иш юритишни, ишчилардан эса фидокорона меҳнат талаб этади.

Шу боис, биринчи навбатда, қурилиш жойларида ҳар бир пасту баландлик, қум, қор кўчиш, сел ўтиш ҳудудларини обдон ўрганиб, мураккаб жойлар бўйича қўшимча тадбирларни кўзда тутувчи мукаммал лойиҳалар тайёрланди. Сўнгра навбат қудратли техника соҳибларига етди.

Янги темир йўл қурилишида Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари пудратчи ташкилотлари, умуман, бутун юртимиз меҳнат аҳлининг ҳиссаси катта бўлди. Мутахассислар, ишчи ва қурувчиларимизнинг машаққатли меҳнати, пешона тери эвазига янги темир йўл қурилиши билан боғлиқ кенг кўламли ишлар муддатидан олдин уддаланди.

- Шўролар даврида Термиздан то қўшни Тожикистоннинг яқин ҳудудигача бўлган 114 километр масофадаги темир йўл тўққиз йил деганда зўрға қуриб битказилгани эсимда, - дейди ушбу тизимда 40 йил ишлаган меҳнат фахрийси Тошмамат ака Рустамов. - Боз устига, қурилишни бошлашга рухсат олиш ва тегишли маблағ ажратилишига эришиш учун маҳаллий раҳбарлар бўзчининг мокисидек йиллаб Москвага қатнаганди. Айни шу жиҳатдан ҳам бугун мазкур янги темир йўлнинг ишга туширилишини том маънода мустақиллигимизнинг меваси, эзгу ниятлар билан қўл урган ишимизнинг хайрли натижаси деб биламан.

Янги темир йўлнинг аҳамияти ғалла ва нефть мустақиллигига қиёсланаётгани бежиз эмас. Эндиликда мазкур йўналиш бўйича ҳаракатланувчи поездларнинг Туркманистон ҳудудини четлаб ўтиши туфайли ушбу қўшни давлат ҳудудидан юк ташиш учун унга тўланадиган валюта маблағлари тежалмоқда. Ўзимизнинг корхоналарда ишлаб чиқарилган кимёвий ва минерал ўғитлар, қурилиш маҳсулотларини жойларга етказиш чоғида мазкур мамлакат ҳудудидан олиб ўтиш билан боғлиқ ортиқча вақтни оладиган расмиятчиликлар ҳам барҳам топди.

- Бугунги тарихий воқеани ҳар қанча байрам қилсак ярашади, - дейди «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни раиси вазифасини бажарувчи Евгений Толстов. - Янги йўл биргина бизнинг комбинатимиз фаолияти учун қанчадан-қанча қулайликлар яратди. Ҳозир марказдан корхонамизга зарур маҳсулотларни ташиб келиш вақтининг ўзи уч кеча-кундузга қисқарди. Умуман, янги йўл шарофати билан ҳозиргача мамлакатимиз юк ташишдан қўшимча 6,1 миллиард сўм даромад олди.

Йўл бўйида қад ростлаган Учқудуқ-2, Мойлисой, Қурали, Бузаубой, Дунгулук, Бургутли, Мискин, Тўрткўл, Элликқалъа, Беруний каби бирбиридан кўркам бекатлар, разъездлар, темирйўлчилар учун қурилган замонавий коттежлар, дўконлар, тиббиёт масканлари, бошқа хил маданий-маиший хизмат шохобчалари жойлашган бинолар кўзни қамаштиради.

«Учқудуқ-2» бекатида поезд вагонларига ичимлик сув ғамлаб олинаётганига гувоҳ бўлдик.

- Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган бу манзилларда илгари муздек, шаффоф тоза сув топиш амри маҳол эди, - дейди учқудуқлик темирйўлчи йигитлар. - Яқин кунларда станция атрофида жойлашган турар-жойларгача ичимлик сув билан тўла таъминланади. Бу ҳам янги йўлнинг қутлуғ шарофатидир.

Яна бир муҳим жиҳат - Президентимиз Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида темир йўл фойдаланишга топширилгач, минг нафар қорақалпоқ йигит-қизи иш билан таъмин этилажагини алоҳида таъкидлаганди. Биз ана шу йигит-қизларнинг аксариятини иш устида учратдик.

- Ҳамширалик курсида ўқиб юрган кезларимда темир йўл тизими бўйича ўқишга танлов эълон қилинганидан хабар топдим, - дейди поезднинг 4-вагони йўлбошловчиси Салима Жавмутбоева. - Танловда ғолиб чиқиб, йигирма нафар қўнғиротлик ҳамюртим қаторида Тошкент темир йўл мактабида бир йил таҳсил олгач ишга жойлашдим.

...Бу йўллар, севимли шоиримиз Абдулла Орипов сафар чоғида лутф этганидек, фарзандини кенг бағрида меҳр билан тутиб турган она қўлларига ўхшайди. Бу қўллар кафтида келажагимиз вояга етади, истиқболимиз парвариш топади.

Тилагимиз, орзуимиз - бу йўлларда доимо тинчлик ва фаровонлик неъматларини ортган карвонлар юрсин.

Бу йўлларда китобу дафтар, қаламу давот, илму маърифат юкларини ортган поездлар юрсин.

Бу йўлларда тўйчилар, тўйбошчилар, совчилар, бахтиёр келин-куёвлар юрсин.

Ватандошларимиз бу саодатли йўллардан ўтажак улуғ карвонларни ҳар доим бугунгидек нон-туз ва гуллар билан шодон кутиб олиб, хушвақтлик ила «Оқ йўл!» тилаб қолсин.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА махсус мухбири.**

# ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

## Президент Ислом Каримов маърузасини ўқиб...

Мамлакат раҳбарининг ҳар бир маърузаси, нутқи алоҳида аҳамиятга эга, албатта. Чунки Юртбоши мамлакатда амалга оширилган улкан ишларни ҳам, камчилик ва муаммоларни ҳам таҳлил этади, истиқболдаги режаларни белгилаб беради.

Президент Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузаси шу нуқтаи назардан қараганда янада аҳамиятли кўринади. Ушбу маъруза дастурий аҳамиятга молик. Зеро, унинг «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» деб аталиши ҳам шундан далолат бериб турибди.

Истиқлолимизнинг биринчи ўн йиллиги якунланди, иккинчи ўн йилликка қадам қўйдик.

Мана шу ўтган қисқа даврнинг ҳар йили, ҳаттоки ҳар ойи ўн йилларга татигуликдир. Шу ўн йил мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган ишлар - саноат ва қишлоқ хўжалигида, фан ва маданиятда, умуман барча соҳада - ўзининг салмоғи, мазмун-моҳияти билан асрлар давомида қилиниши мумкин бўлган ишлардир. Биз наинки ҳар йили, балки деярли ҳар ойда янги бир иншоот, корхона ишга тушишига ўрганиб қолдик. Бундай шиддат, бундай суръат, бундай бунёдкорлик қаерда, қайси мамлакатда бор? Қайси мамлакат истиқлолга эришганидан сўнг орадан беш йил ўтиб ўз машинасига эга бўлган? Қайси давлат атиги тўрт-беш йил давомида ғалла, нефть, энергия мустақиллигини таъминлай олган? Ёхуд қайси давлат мустақил ҳаётининг ўн йили ичида дунёнинг манаман деган давлатлари билан стратегик ҳамкорликка эришган?

Бундай мисолларни ўнлаб, юзлаб келтириш мумкин.

Президентимиз айтганидай, ўтган йиллар осон кечгани йўқ. Ички ва ташқи душманларнинг қутқуси бот-бот тинч-тотув яшашимизга, улуғвор ишларни ўз вақтида амалга оширишимизга халақит бериб турди. Афсуски, бу ҳолат ҳали-ҳамон батамом тугагани йўқ. Юртбошимиз ўз маърузасида буларнинг ҳаммасини атрофлича таҳлил этиб берди.

Бироқ бир ҳол бугун ўзимизга ҳам, бизга ҳавас билан, ҳаттоки ҳасад билан қарайдиганларга ҳам аён. Ўзбекистон мустақилликнинг илк кунлариданоқ йўлни тўғри белгилади, ҳеч кимнинг маслаҳату дашномларига эътибор бермади. Ислом Каримов Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос йўли бор, ҳеч кимга эргашмайди, ҳеч кимдан нусха кўчирмайди, деб баралла айтди. Ва мамлакат тараққиётининг машҳур беш тамойилини эълон қилди. Бугун у тараққиётнинг «ўзбек модели» сифатида жаҳонга машҳур.

Халқаро саҳнада ҳам ўзаро тенг ҳамкорлик тамойилига амал қилди. Германиянинг «Франкфурт-Алгемайни» газетаси мухбирининг «Ўзбекистон наҳотки ҳеч кимдан ёрдам сўрамайди?» деган саволига Президентимиз: «Ўзбекистон ҳеч кимдан садақа сўрамаган ва бундан кейин ҳам сўрамайди. Ҳар қандай давлат билан ўзаро тенглик асосида ҳамкорлик қилишга тайёр», деб жавоб берган эди. Бу 1994 йилдаги гап. Ана шу гап, ана шу принцип бугун ҳам ўзгаргани йўқ. Ўзбекистон дунёда ўз ўрни, ўз мавқеи ва ўз овозига эга бўлишининг асосий сабаби ҳам ана шунда.

Демак, ўн йил ичида юртимиз иқтисодий, сиёсий, маънавий жиҳатдан, жамиятда демократия тамойилларини шакллантириш борасида муайян бир поғонага кўтарилди. Таъбир жоиз бўлса, ҳаётимизда, жамиятимизда янги давр, янги босқич бошланди. Ана шу янги даврда, янги босқичда нималарга алоҳида эътибор бериш, қайси масалаларни биринчи галда ҳал этиш лозимлигини Президентимиз кечаги маърузасида аниқ белгилаб берди. Бинобарин, ўн йиллик тажриба, эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар атрофлича хулоса чиқаришга асос беради.

Масалан, матбуот соҳасини олайлик. Оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш борасида маълум натижаларга эришилди, тажриба тўпланди. Аммо бу жараён суст кетаётгани ҳам аниқ. Бунинг сабабини Юртбошимиз шундай изоҳлайди: «Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари узоқ вақтлар давомида мафкуравий ва маъмурий назорат остида ишлагани туфайли уларнинг ҳали-бери бу ҳолатдан чиқиши, аввало, психологик жиҳатдан ўзини эркин ҳис этиши қийин кечмоқда».

Бир ҳолга эътибор берайлик: матбуотнинг эркин бўлишини мамлакат раҳбари истаяпти, керак бўлса талаб қиляпти. Ҳолбуки, «фалон мамлакат ҳукумати фалон газетани, анави телеканални ёпиб қўйибди, пистон давлатда газета муҳаррири ишдан олинибди ёки қамалибди», қабилидаги хабарларни ўқиб, эшитиб турамиз. Ўзбекистонда эса давлат раҳбарининг ўзи журналистларни эркин фикр айтишга, ҳар бир масалани чуқур ўрганиб, ўзининг қарашларини баён қилишга даъват этмоқда. Аммо ҳуқуқий-демократик жамият қураётган эканмиз, ўша машҳур беш тамойилнинг бири мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган экан, ҳамма нарса, айтилаётган ҳар бир сўз ҳам қонун доирасида бўлмоғи лозим. Ютуқлар билан бирга камчиликларни ҳам кўрсатиш керак, деймиз... Лекин гоҳида меъёрни унутиб қўямиз.

Камчиликни ёзиш дегани кимнидир дўппослаш, ҳақ-ноҳақ бадном қилиш дегани эмас, албатта. Камчилик ҳақида шўро давридаги каби фелетон эмас, балки таҳлилий мақола ёзиш даркор. Биламизки, шўро давридаги фелетонларда ишдаги камчиликлар билан бир қаторда (баъзан масаланинг бу томони четда қолиб кетарди) муайян бир раҳбарнинг шахсияти, ҳатто оилавий аҳволигача шармандаи шармисор қилинар эди. Шу билан ўша одам партиядан ўчирилар ва ишдан кетар эди. Ҳолбуки, маълум бир корхона, хўжалик ёки ташкилотдаги камчилик ва нуқсонлар хусусида ёзилганда масала чуқур, атрофлича таҳлил қилиниши, уларнинг объектив ва субъектив сабаблари очиб берилмоғи, холис кўрсатилмоғи керак. Шундагина ёзилган мақола ўша ташкилотга ва унинг мисолида бошқаларга ҳам ўз камчиликларини тузатиб олишида ёрдам беради. Зеро, мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида, жамиятда демократияни кенг жорий қилишда, одамлар тафаккурини ўзгартиришда оммавий ахборот воситаларининг, демакки, журналистларнинг ўрни ва роли беқиёс. Оммавий ахборот воситалари бекорга «тўртинчи ҳокимият» номини олмаган. Бу ном ҳар бир журналист зиммасига катта масъулият юклайди...

Мамлакатимиз, халқимиз янги довонга кўтарилди. Одатда одам янги поғонага чиққанида бир зум нафасини ростлаб, босиб ўтган йўлига хаёлан назар ташлайди, қилган ишларини ҳам, бажаришга улгурмаган режаларини ҳам таҳлил этади. Ислом Каримов юрт раҳбари сифатида Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида шундай қилди: ўн йиллик тарихимизни мухтасар таҳлил этиб, ютуқларимизни ҳам, бошимиздан кечган машаққатли, синовли воқеаларни ҳам яна бир бор эслатди. Энг муҳими, жамиятимизнинг, ҳаётимизнинг янги босқичи қандай бўлишини белгилаб берди. Энди ўзбекистонликман, ўзбекман деган ҳар бир инсон бундан хулоса чиқармоғи, шу дастурий маъруза асосида ўз режасини тузиб олмоғи керак.

Бугун Ўзбекистон халқининг фикрлаш тарзи ўзгарди, тафаккури ўзгарди. Ўтган ўн йилнинг шиддатига, мисли кўрилмаган сакрашларига бардош беролмаганлар аллақачон аравадан тушиб қолган. Бугунги Ўзбекистон аҳли бир жону бир тан бўлиб мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий этган, чинакам буюк давлатлар сафидан ўрин олиши учун меҳнат қилмоқда. Буни шу йилнинг январида бўлиб ўтган умумхалқ референдуми ҳам тасдиқлади.

Янги босқичда, янги даврда йўлимиз янада равон, турмушимиз бундан-да фаровон бўлишига ишонамиз. Зотан, барча саъй-ҳаракатларини, фаолиятини халқининг бахти, порлоқ келажагига бағишлаган Ислом Каримовдай йўлбошчиси бўлган ва ўз йўлбошчиси атрофига жипслашиб, элим деб, юртим деб ёниб яшашни ўзига одат қилиб олган халқ ҳеч қачон, ҳеч кимдан кам бўлмайди.

**Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (ЎзА).**

Намангандаги А.Мўминов номли ширкат хўжалигида ҳунармандчилик, тадбиркорликка алоҳида эътибор берилмоқда. Омилкор, ишбилармон кишилар ўзларига яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, хайрли ишларга қўл уришмоқда. Хусусан хўжалик дала шийпони ёнида тандирчилик цехи ишлаб турибди. Қўли гул кишилар ясаган тандирлардан (суратда) туман аҳли баҳраманд бўлаяпти.

Учқўрғон туманида ўтказилган меҳнат ярмаркаси шарофати билан кўпдан-кўп ёшлар ўзлари севган ишларга таклиф этилдилар. →





# ЯШАРАЁТГАН НАМАНГАН

Бугун Наманган нафақат иқтисодий ислоҳотларда, балки қурилиш-ободонлаштириш ишларида ҳам муносиб ютуқларни қўлга киритяпти. Барча соҳа мутаносиб ривожлантирилиб борилаётгани, даромаднинг ортиши, қурилиш-ободонлаштириш юмушларига кўплаб маблағ ажратиш имконини бермоқда. Фақат жорий йилнинг ўтган олти ойи даврида вилоятда барча манбалар ҳисобидан 25 миллиард 60 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилиб, 17 миллиард 130 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Шу давр ичида 17 миллиард 747 миллион сўмлик асосий воситалар ишга туширилди. 295,8 минг квадрат метр турар-жой, битта коллеж, 5 та реконструкция ҳисобидан қишлоқ шифокорлик пунктлари, 214,3 километр табиий газ ва 78 километр ичимлик суви тармоқлари фойдаланишга топширилди. Кундан-кунга Наманган кўркига чирой бағишлаётган фавворалар сони кўпайиб бормоқда.

Бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган қурилиш жамоалари ишчилари мустақиллик байрами арафасида ажойиб совға тайёрлаш мақсадида тинмай меҳнат қилдилар. Зотан, улар ўз ишидан мамнун. Ҳар бир ишчининг ўртача маоши 25-30 минг сўмни ташкил этяпти. Иш ҳақи ва мукофотлар ўз вақтида берилиши таъминланмоқда. Эътибор ва ғамхўрлик ишда сифат ва самара омили бўлаётир. Бир сўз билан айтганда, гўзаллик бунёдкорлари бўлмиш қурувчилар истиқлол байрамини катта меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олиш учун астойдил тер тўкиб меҳнат қилдилар.

**Тўлқинжон ҚОДИРОВ,**
**Вилоят қурилиш, йиғиш ҳиссадорлик жамияти раиси.**

***«Дўстлик» орденли Навоий тоғ-металлургия комбинати мамлакатимиздаги энг йирик саноат корхоналаридан бири. «Қизилқумноёбметаллолтин» концерни корхоналари ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Юрий ПАЛАМАРЧУК шундай ҳикоя қилади.***

*Мустақил Ўзбекистон фахри*

# ДОНҒИ ҚИЗИЛҚУМДАН ОШГАН КОРХОНА






— Бизнинг комбинатимиз концерн корхоналари орасида асосийси ҳисобланади. Унинг ташкил топганига деярли ярим аср бўлган бўлса ҳам илгарилари у лозим даражада қувватга эга бўла олмади. Жонажон республикамиз мустақилликка эришганидан кейингина бу улкан корхонанинг омади юришди. Ишлаб чиқаришнинг янги-янги тармоқлари вужудга келди. Эндиликда бу ерда олтин, кумуш каби нодир металлар билан биргаликда фосфорит сингари тоғ жинслари, токарлик ва фрезерлик дастгоҳлари, ярим хлоридли ва полиэтилен трубалари, суюқ ойна, қурилиш ашёлари, тикув машиналари, трикотаж буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонанинг тараққий этишида муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг комбинатимизга ташриф буюрганлиги беқиёс рол ўйнади. У тизимдаги турли соҳа меҳнаткашлари билан қилган суҳбатларида ривожланишнинг янги-янги қирралари ҳақида сўз юритди. Берилган оқилона маслаҳатлар комбинатнинг иқтисодий қудрати ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмини оширишда катта аҳамият касб этди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, республикамизда тоғ саноатини ҳамда қайта ишлаш соҳаларини тараққий эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳудудлари Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Тошкент минтақаларига чўзилган концернимиз қучоғида етмиш мингдан зиёд юқори малакали ишчилар, инженер-техник ходимлар меҳнат қиладилар. Улар ўз касбларини қадрлайдилар, шунинг учун ҳам анча оғир шароитларда ишлашларига қарамасдан қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

«Қизилқумноёбметаллолтин» концерни ва унинг бош корхонаси — Навоий тоғ-металлургия комбинати меҳнаткашлари Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги байрамига астойдил ҳозирлик кўрдилар. Умумий маҳсулотнинг 98 фоизи ушбу ерда ишлаб чиқарилаётганлигининг ўзи ҳам корхонанинг катта имкониятларидан дарак беради. Жорий йилнинг ярмига мўлжалланган топшириқларнинг ошириб адо этилганлиги, қатор кўрсаткичлар ўтган йилгига нисбатан зиёда бўлганлиги меҳнат жамоаларини янги-янги муваффақиятлар сари руҳлантириб юборди.

Мурунтов олтини ҳақида алоҳида сўз юритиш лозим. Чунки унинг маҳсулоти жаҳон миқёсида энг нодир олтин ҳисобланади. «Мурунтов» мажмуи ишини давр талаблари даражасида такомиллаштиришида ноёб металлар қазиб олишда асқотадиган замонавий технологияларнинг жорий этилганлиги муҳим ўрин тутди. Истиқлол йилларида «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасининг вужудга келганлиги бебаҳо иш бўлди. АҚШнинг етакчи фирмалари билан ҳамкорликда бунёд этилган корхонага эндиликда чет эл инвестицияларини жалб қилиш давом этмоқда. Хусусан, таркибида вольфрам жинслари бўлган рудаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича қўшма корхона яратиш борасида музокаралар олиб борилмоқда.

Концернимизнинг ўзи ҳам мустақиллик йилларида жаҳон бозорига дадил қадам қўйди. У йилдан-йилга ўз шериклари сафини кенгайтирмоқда. Жумладан, яқин келажакда бизнинг мутахассисларимиз Индонезиянинг олтин-мис конларини қидириб топиш, лойиҳалаштириш ва бошқариш амалиётлари устида саъй-ҳаракат олиб бориш режалаштирилган.

Концернимиз ва унинг бош корхонаси тоғ-металлургия комбинатида эришилган ютуқлар чегара эмас. Бундан кейинги фаолиятимизда муваффақиятлар кўлами кенгайиб бораверади. Бунда ишчи-хизматчиларимизга яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар алоҳида ўрин тутади. Айтиш лозимки, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, кончилар, геологлар, металлурглар, экологлар, транспортчилар, қурувчилар ва бошқа касб эгалари манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда барча даражадаги касаба уюшма ташкилотлари муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Комбинат касаба уюшма қўмитаси ўз атрофига 37 бошланғич ташкилотни бирлаштирган. Унинг таркибига 332 та цех ҳамда 729 та касаба гуруҳлари уюшган.



 Уларнинг фаоллари меҳнат муҳофазаси, соғлиқни сақлаш, маданият, тижорат, жисмоний тарбия, меҳнатга ҳақ тўлаш вазифаларини амалга оширишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Шуниси эътиборга лойиқки, меҳнатга ҳақ тўлаш пайтида истеъмол бозорида нархларнинг ўзгариши албатта назарда тутилади.

Ишлаб чиқаришни тараққий эттириш, ишчи ва хизматчиларга муносиб шарт-шароитлар яратиб беришда жамоа шартномалари катта ўрин тутади. Улар, одатда, 3 йиллик муддатга тузилади. Муҳими шундаки, мазкур шартномалар ижро этилиши шарт бўлган ҳужжатлар даражасига кўтарилган. Зотан, улар ҳаётимизнинг асосий низоми, меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги кафолати ҳисобланади. Жамоа шартномаларини тузиш жараёни ҳам ўзига хос. Хусусан, комбинат касаба уюшма қўмитаси жамоа шартномасининг умумий матнини тайёрлайди. Бунда айни пайтдаги устувор ва долзарб масалалар эътиборга олинади. Шартномада кўпминг кишилик жамоанинг манфаатлари, уларнинг иш билан бандлик ҳолатлари, ишчилар малакасини ошириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, техника хавфсизлиги, маиший шароитларни янада яхшилаш, ишчи-хизматчилар ҳаётини кафолатлаш ва турли имтиёзлар бериш ўз аксини топади. Сўнгра шартнома маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан белгиланган тенг вакиллар иштирокидаги махсус комиссия томонидан кўриб чиқилади. Ҳужжат тайёр бўлгач, у бошланғич касаба ташкилотларига фикр ва мулоҳазалар билдириш учун юборилади. Ана ундан сўнг шартнома меҳнат жамоасининг умумий конференциясида қабул қилинади. Бу жараён иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси томонидан адо этилиши мажбурий бўлган вазифаларни ўз зиммасига олиш, деган маънони англатади.

Жамоа шартномасининг айрим бандларини таҳлил қиладиган бўлсак, меҳнатга ҳақ тўлаш моддаси алоҳида қизиқиш уйғотиши мумкин. Бунда комбинат фаолиятида амал қилаётган тариф сеткаси ва лавозим учун тўланадиган маошлар миқдори алоҳида аҳамият касб этади. Айни пайтда ишлаб чиқаришимизнинг ўзига хос томонлари ва бошқа омиллар эътибордан четда қолмайди.

Корхонада иш олиб борадиган — истеъмол меъёри даражаси ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш индексацияси билан шуғулланадиган комиссия фаолияти ҳам доимийлиги билан ажралиб туради. Муайян вазиятларни ҳисобга олган комиссия вақти-вақти билан меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларини ошириш тўғрисида ўз тавсияларини беради. Тавсияларни эса корхона кенгаши кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тамойиллари ҳам алоҳида ўринда туради. Бунда асосий эътибор ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга қаратилади. Ҳар йили иш берувчи билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган меҳнатни муҳофаза қилиш шартномасида акс этган ҳолатлар кейинчалик ҳам такомиллаштириб борилади. Хусусан, комиссия ҳар чоракда меҳнатни муҳофаза қилиш бандлари бажарилишини текшириб боради ва керак бўлса кафолат ҳамда имтиёзлар бўйича ўзгартиришлар киритади.

Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, комбинат ишчи-хизматчилари жамоа шартномасида кўзда тутилган кўплаб имтиёзлардан фойдаланадилар. Жумладан, ҳар бир ишчига соғлиғини тиклаш учун моддий ёрдам кўрсатилади, меҳнат таътилига чиқиш пайтида ҳам шундай тадбир амалга оширилади. Ходимларни пенсияга кузатиш пайтида эса моддий рағбатлантириш таомилидан фойдаланилади. Ишламаётган ногиронларга ҳам қатор қулайликлар яратилган. Улар уй ҳақи, коммунал хизмат, электр энергияси тўловларидан озод этилган. Бу тўловларни комбинат ўз зиммасига олади. Шунингдек, жамоа шартномасида ишламаётган пенсионерлар учун ҳам қатор имтиёзлар кўзда тутилган.

Комбинатда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизилмаси яхши натижа бермоқда. Навоий тоғ институти, тоғ коллежи, касбий мактаблар, ўқув марказлари ҳамда ўқув курсларида бизнинг муносиб ворисларимиз тайёрланаётганлиги ҳаммамизни мамнун этмоқда. Шу билан бир қаторда бошқа ижтимоий муаммолар ҳам ҳал этиб бориляпти.

Ишчи-хизматчилар, уларнинг оила аъзоларини даволаш, соғломлаштириш ва дам олишлари ҳамиша диққат-марказимизда. Хусусан, шу йилнинг ёзги дам олиш мавсумида ишчи-хизматчиларнинг 15 минг нафардан зиёд фарзандлари болалар дам олиш масканларида соғлиқларини тикладилар. Комбинатнинг дам олиш минтақалари, жумладан, Навоий вилоятининг Тўдакўли соҳилидаги 200 ўринли дам олиш муассасасини алоҳида тилга олиш мумкин. Яқин кунлар ичида бу ердаги жойлар сони 350 дан оширилади. Яна Тошкент вилоятининг Чорвоқ сув омбори бўйида 120 ўринли сиҳатгоҳнинг очилиши кўзда тутилмоқда. Биз ўз сиҳатгоҳларимиз билан қаноатланиб қолмаймиз. Россия ва Қирғизистондаги сиҳатгоҳларда даволаниш учун ишчи-хизматчиларимизга йўлланмалар имтиёзли тарзда берилади. Одамлар соғлиғини муҳофаза қилишда ўзимизнинг даволаш-профилактика муассасаларимиз ҳам бой тажриба оттирган. Уларда 1230 нафар шифокор ва ўрта малакали ходимлар хизмат қиляпти.

Яна бир гап. Маданий-оммавий, соғломлаштириш тадбирларини амалга оширишда маблағни аямаяпмиз. Маданият уйларимиз, кутубхоналаримиз, спорт иншоотларимиз меҳнаткашларимизнинг чинакам севимли масканига айланган. Биргина мисол. Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида йил давомида 500 га яқин маданий-оммавий тадбирлар амалга оширилади. Бу ерда шуғулланаётган 25 та ижодий жамоанинг ўнтаси Халқ дастаси деган номга сазовор бўлганлиги кўп нарсани англатади. Навоий тоғ-металлургия комбинатида ва концернимиз бошқа корхоналарида оммавий спорт тадбирлари ҳам тез-тез ташкил этиб турилади. «Сўғдиёна» спорт клуби ишини бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатса бўлади. Мазкур клуб ходимлари спортнинг волейбол, баскетбол, футбол, стол тенниси, сузиш сингари турларини ривожлантиришда ва мусобақалар ташкил қилишда ўзига хос мактаб яратган, десак муболаға бўлмайди. Спорт саройи, бешта ўйингоҳ, 22 та спорт зали, 10 та сузиш ҳавзаси, 11 та корт, 80 та майдонча ҳар доим ишчи-хизматчилар билан гавжум. Оммавийлик бор ерда, маҳорат ҳам бўлади, деб бежиз айтилмаган. Биз спортчиларимизнинг Ўзбекистон терма жамоалари таркибида қатнашаётганлиги билан фахрланамиз. Уларнинг кўпчилиги халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб равишда ҳимоя қиляпти.

**Ёзиб олувчи:**
**Икром АҲМЕТОВ,**
**«Ишонч-Доверие» мухбири.**

***Президентимизнинг Навоий вилоятига қилган ташрифи ҳар гал вилоят минтақасида юксак кўтаринки кайфиятни юзага келтириш билан бирга улар ҳаётида жуда муҳим ва қувончли ўзгаришларни бошлаб бермоқда. Мустақиллик йилларида Навоий ва Кармана шаҳарлари қиёфаси тубдан ўзгариб кетди.***

# ОРЗУЛАР УШАЛГАН КУН

Собиқ иттифоқ даврида унитилган, анча путурдан кетган Кармана бирдан ёшариб кетди. Шаҳар кўчалари кенгайтирилиб, шинам ва замонавий турар-жой, маданий-маиший бинолар бунёд этилди. Юртбошимиз қаерда бўлмасин тарихий қадамжоларни обод қилишга катта эътибор қаратмоқда. Шу маънода Кармана шаҳрида яшаб ўтган, кечаги кунимизнинг энг ёрқин сиймоларидан бири Қосим Шайх мақбараси қайтадан таъмирланиб, сержило кошинлар ва нақшинкор дарвозалар билан безалди. Атрофи гулзорга айлантирилди. Шунингдек, Буюк ипак йўлидаги Маликработ қўрғони ва Сардоба харобаларини тиклаш ва таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Кармана шаҳри эндиликда туман маркази эмас, вилоятнинг қадимий ва навқирон ажралмас бўлагига айланди. Маликработ қўрғони Навоий туманининг маркази деб белгилангач, бу ерда катта ҳажмдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бошланишига замин яратилди. Аҳолининг барча қулайликлардан баҳраманд бўлишига олиб келди. Агросаноат мажмуи ходимларининг омилкорлиги боис туманда қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошди. Қадимий ҳунармандчиликни ривожлантиришга киришилди.

Навоий-Учқудуқ-Султон-Увайстоғ-Нукус темир йўлининг ғоят қисқа фурсатларда ишга туширилиши, чўл бағрида темир йўл ёқасида бунёд этилган йўлчилар шаҳарчалари, гулзор бағридаги хушбичим ва жозибадор кутиш бекатларини кўрганда мамлакатимиз танлаган йўл энг тўғри йўл эканига яна бир бор амин бўласиз. Энди бу йўллардан юк поездлари қатнаб, қишлоқ хўжалиги ва саноат учун зарур бўлган юклар катта харажатларсиз белгиланган гўшаларга етказилади. Мустақиллик байрами куни эса Учқудуқдан йўловчи поезди ҳам йўлга чиқади. Ниҳоят, Учқудуқ, Томди туманлари, Зарафшон шаҳри аҳолисининг азалий орзуси амалга ошди. Улар энди орзулар қанотида эмас, тезюрар поездларда, юмшоқ вагонларда туя карвонларида ҳафталаб босиб ўтилган йўлларни соатларда забт этадилар.

*Ифтихор*

Ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган меҳрибонлик вилоят меҳнаткашлари, хусусан чорвадорларни янги меҳнат ғалабалари сари руҳлантирмоқда. Яйловларда чорва моллари туёқ сонининг 1 миллиондан ошиши ҳамжиҳатлик билан ишлаш самараси бўлди. Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида эришилаётган ютуқларда ҳам касаба уюшмаларининг роли сезилмоқда.

Навоий республикамизнинг энг кенжа ва саноати ривожланган вилоятларидан биридир. Бу ерда мамлакатимиз фахри ҳисобланган Навоий тоғ-кон металлургия комбинати, «Навоийазот», «Электрокимё» каби гигант корхоналар ишлаб турибди. «Навоийёғ», «Велан», қўшма корхоналари вужудга келиши ҳисобига вилоятда чет эллик ҳамкорлар билан ишлаётган корхоналар сони 28 тага етказилди. Жорий йилда томат пасталари ишлаб чиқарадиган «Ванғозашамс» мармар плиталари ва гранит тайёрлайдиган «Шамс Навоий», ўсимлик мойи қадоқлайдиган «Континент», одеял ва бошқа уй-рўзғор буюмлари етказиб берадиган «Даллол» қўшма корхоналарини ишга тушириш режалаштирилган. Бу эса кўплаб янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Касаба уюшмаларининг вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда тузилган битимида асосий эътибор меҳнаткашларнинг яшаш ва иш шароитини бутун чоралар билан яхшилашга қаратилган. Чунки, ислоҳотлар жамиятимизда яшовчи ҳар бир фуқаро ва унинг манфаатларига хизмат қилиши лозимлиги фаолиятимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Битимга асосан ёшларни, айниқса, аҳолининг кам даромадли қатламини ижтимоий фойдали меҳнатга кенг жалб этиш доимий диққат марказимизда бўлди. Натижада вилоятда кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантириш ҳисобига 20 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, меҳнат ва бандлик бўлимлари томонидан меҳнат ярмаркалари ташкил этиш ҳисобига 14433 нафар киши, ногиронлар, ҳарбий хизматдан қайтганлар, жазони ўташдан озод этилганлар ҳисобига яна 1399 нафар фуқаро муқим ишга жойлашди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш айниқса ўтиш даврида касаба уюшмаларининг кечиктириб бўлмас вазифаси бўлиб қолмоқда. Вилоятда кам таъминланган 28529 оилага 295 миллион сўмлик инсонпарварлик кўмаги берилди. Уларнинг фарзандлари учун мактаб ошхоналарида 3 миллион 216 минг сўмлик бепул тушлик ташкил қилинди. 5022 нафар хотин-қизлар соғлиғини тиклашга 38 миллион сўм маблағ ажратилди. Вилоятда аҳоли учун истиқомат жойлари, маданий-маиший объектлар, йўллар, газ қувурлари қурилишида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари тобора жонланмоқда.

**Нормурод ХЎЖАҚУЛОВ,**
**Навоий вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси.**

# 31 АВГУСТ – ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

Қатағон фожиаси фақат зиёлиларнигина ўз комига тортмаган, истибдоднинг оловидан ҳўлу-қуруқ баробар ёнди. Аслида бу фожиа 20-йилларда аҳолининг зиёли қисми ҳисобланмиш жадидларни айблаб қамашдан бошланган эди. Сўнгра 1922-1929 йиллар диндорлар, мулкдорлар қулоқ қилинди. 30-йиллардан бошлаб давлат арбоблари, ёзувчи-шоирлар душманга чиқарилиб қамалди. Бу 40-йилларгача давом этди. Уруш тугагандан кейин немисларга асир тушганлар қамалди. Сўнгра яна элнинг илғор фикрли зиёлилари ғоясизликда айбланиб қатағон қилинди. Хуллас, шўро даврида халқнинг боши ғам-ташвишдан чиқмади. Фақат мустақиллик шарофати билан адолат ва ҳақиқат тикланди. Ватан ва халқ бахт-саодати йўлида қурбон бўлганлар номи оқланди.







*Мустабид тузум даврида миллион-миллион бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармонидан.**

Президентимиз ташаббуси билан Бўзсув канали қирғоғида ватанпарвар аждодларимиз хотирасига атаб ёдгорлик барпо этилди. Муборак айём арафасида хиёбон янада гўзаллашиб, чирой очган. Республикамизнинг турли бурчакларидан келаётган зиёратчиларнинг оқими тўхтамайди. Зиёратгоҳни тавоф этаётган юртдошларимизни суҳбатга чорлаймиз.

Дилдора Абдураҳимова - 18-касб-ҳунар мактаби ўқитувчиси:

— Хиёбонга ташриф буюрган одамларнинг кўнглидан қандай ҳис-туйғулар ўтганини билмайману, аммо бу ерда келадиган ёшу-қари ватанимиз озодлиги йўлида жонларини фидо қилган қатағон қурбонлари хотираси олдида бош эгадилар. Бу муқаддас гўша энг гўзал зиёратгоҳ бўлиши билан бирга ёшларга тарих сабоқларини ўқитгувчи тарбия маскани ҳамдир.

Ана шундай улуғ ва савобли умумхалқ ишига баҳоли қудрат ҳисса қўшганимиздан беҳад мамнунмиз.

Мирҳабиб Аброров - Самарқанд шаҳри.

— Ҳақиқат шундай ёғдуки, унинг йўлини ҳар қанча тўсганинг билан барибир йўқ қилиб бўлмайди. Қатағон туфайли миллатимиз оқиллари йўқ қилингани билан уларнинг ўлмас ғоялари, ҳур фикрлари авлодлар қонида, миллат тарихида қолди.

Менинг боболарим ҳам қатағонга учраб, сургун қилинган. Она томондан бобом Қори Масиҳо нозик таъб шоир бўлган. Онамнинг айтишларича, уйларида кўпдан кўп шоирлар йиғилиб, мушоира қилишаркан. Ота томондан бобом Сулаймонов Мираҳрор қўли гул ҳунарманд уста сифатида элга танилган. Уста Ширин Муродов билан қалин дўст-биродар бўлганларини отам айтиб берардилар. Иккала бобом ҳам узоқ йил қатағон азобини тортишган. Шунда ҳам уларга халқ душмани деб қарашган.

Ҳамкасбим Акбархон Барноевнинг бобоси Умархон Олимов эса аксил-инқилобчи сифатида сургун қилинган. У киши ўз даврининг зукколаридан бўлиб, Бухоро амирлигида қозилик қилган.

Акбархон билан иккаламиз бамаслаҳат боболаримиз руҳини шод этиш учун «Қатағон қурбонлари хотираси» музейига иккита нақшинкор эшик ясаб, уни кошонанинг марказий ва орқа эшигига ўрнатдик. Савобини миллатпарвар боболаримиз руҳига бағишлаймиз.

Оязимхон Омонова, - Тошкент шаҳри:

— Аслимиз Андижондан. Мен туғилган 1931 йилда онамнинг оталари Нажмиддин қори домла вафот этган эканлар. Йирик олим, маърифатли, зиёли бўлган бобомларнинг жанозасига жуда кўп одам келган. Бу эса ҳукумат одамларига ёқмай халқни тарқатмоқчи бўлиб, тобутни ерга қўйдирган. Аммо эл ўзининг фидойи фарзандини эъзозлаб, охирги манзилгача ҳеч қандай таъқибдан қўрқмай, кузатган. Бу эса тоғам Садриддин Нажмиддиновга жуда қимматга тушган. Эртасигаёқ уни ҳибсга олишган. У билан бирга бобомнинг кутубхонасидаги ноёб китобларни ҳам олиб кетишган. Онам умрининг охиригача акаларини кутиб армон билан ўлиб кетдилар. Фақат озодлик туфайли тоғамнинг қисматидан хабар топдик. Уни ўша йилдаёқ отиб ташлашган экан. Бу хабарни эшитиб, жиянларим тоғам руҳига «Эҳсон» оши қилиб, элга тортишди. Бугун байрам арафасида невараларимни олиб, тоғамнинг руҳини шод қилиш учун бу ерга келдим. Уларга боболари ҳақида сўзлаб бердим. Инсон кимлигини билиб ўсгани яхши-да.

Ҳа, Озодлик осонликча қўлга киритилгани йўқ. Бу йўлда қанча қонлар тўкилди, қурбонлар берилди. Бугунги озодлик кунларимиз учун жон берган ана шу инсонлар хотирасини эъзозлаш бизнинг инсоний бурчимиздир.

## БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

Ҳар бир миллат ҳаёт кечиришни хоҳласа, йўқолмай деса, албатта ўз тарихини, шунингдек, бошқа мамлакат тарихини билиши шарт. Зеро, тарих кўзгудир.

* * *

Ватан Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдир.

**Абдурауф Фитрат**

Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир.

**Абдулла Алвоний**

Ватан муқаддасдир, қадрин билмак керак.

**Маҳмудхўжа Беҳбудий**

Ватан бизни жонимиз, фидо ўлсун қонимиз.

**Абдулҳамид Чўлпон.**

*Нидо*

***Яқинда керакли бир ҳужжатни қидираётиб, кўк ҳошияли дафтарга кўзим тушди. Қизиқиб уни қўлимга олдим. Муқовасига «1990 йил. Репрессия. Фозилов Шодмонбек» деб ёзилган. Беихтиёр хотирамда Шодмонбек отанинг маъюс сиймоси гавдаланди. Асли ота-боболари андижонлик бўлган бу киши тақдир тақозоси туфайли Украинанинг олис қишлоғи Цукурда 1933 йилда туғилган.***

## ҚАЙДАСИЗ, ШОДМОН ОТА!

Унинг бобоси Каримберди ўғли Раҳимберди Амин ҳожи маърифатли, ўз даврининг ҳурматли, бой-бадавлат кишиларидан бўлган. Унинг еттита ўғли, бир қизи бўлган. Очарчилик йилларида (25-26 йиллар) у киши бир пода қўй ва бутун дон-дунни халққа тарқатиб берган. Исмоилжон Рўзиев, Қўчқор Матсойибов каби қишлоқ оқсоқолларининг эътироф этишича, ўша очарчилик йилларида Раҳимберди Амин ҳожи ҳар куни дошқозонларда овқат пишириб, элга улашаркан. Аммо Иброҳим кал деб ном олган сотқин уларни сургун қилдирган. Айблари: ўқимишли, бой-бадавлат бўлганлари бўлган.

Минглаб ўзбек оилалари билан бирга отанинг оиласи ҳам 30-йилда Украинага пахта етиштириш учун жўнатилган. Минг бир азоб билан Украинага етиб келгунча оиладошларининг ярми ўлиб кетган. Аммо қанча ҳаракат қилишмасин, бу ерда пахта етиштира олишмаган. Халқ эса аёвсиз қийин меҳнатга жалб этилган. Инсоний ҳуқуқларини поймол этиб, хўрлашган. Шодмон ота ана шу пайтда, ота-онаси сургунда бўлганида туғилган. Қарангки, уни туғилганиданоқ онаси билан яшашга рухсат беришмаган. Болалар уйида тарбиялашган. Онаизори Энахон ая эса ҳар куни уч марта 10 километр йўл босиб уни эмизиш учун Болалар уйига келиб-кетган. Отаси эса ўзи етиштирган буғдойни ўғирлади, деб қайта суд қилиниб, жазоланган. Унинг хоки Украина тупроғида қолиб кетган.

Акаси эса интернатда тарбияланган. Сўнгра урушга кетиб, разведкачи сифатида хизмат қилган.

Уруш йилларида ҳам Шодмонбек отанинг оиласи Украинада қамалда қолиб кетган. Сталин ўлгандан кейингина Ўзбекистонга қайтишга рухсат беришган. Бу вақтда эса бутун оилада уч киши — онаси Энахон ая, Шодмон ота ва опаси қолган.

90-йилларда ҳам отахоннинг мунгли хотиралари акс этган мақолаларим чоп этилмади. Кейинчалик ҳам улар қайсидир газеталарнинг «архиви»да қолиб кетди. Шундан кейин ҳам Шодмон отани бир неча бор учратдим. Отахон ҳар гал ўша машъум кунларни ёд олганларида кўзлари ёшланарди. Хайрлашиб кетаётганларида эса армон билан «қани эди адолат тиклансаю ота-боболарим шаънига тамғаланган «халқ душмани» деган тавқи лаънат олиб ташланса, уларнинг кимлигини эл билса. Шундагина улар олдидаги фарзандлик бурчимни адо этган бўлардим. Унгача ҳар қанча бетоб бўлмай ўлишга ҳаққим йўқ. Негаки, яқинларим руҳи бу дунёда чирқираб қолмасин» деганлари ҳамон ёдимда.

Охирги марта у кишини бундан саккиз йил олдин ранглари синиққан, касалманд, аммо шодон қиёфада кўрдим.

— Яқинда сессияда қатағон қурбонлари масаласи кўриларкан, ниятимга етдим, - дегандилар севиниб. Шундан кейин Шодмон отани бошқа кўрмадим. Балки у ота-боболарининг киндик қони тўкилган Андижонга кўчиб кетгандир. Нима бўлганда ҳам хотира дафтари орқали уни яна топдим.

Шодмон ота, қайдасиз, мана сиз орзулаган муборак кунлар келди. «Шаҳидлар хиёбони»да қатағон қурбони бобонгиз, отангиз, акангиз, Украина тупроғида азоб-уқубатлар, очликка дош бермай жон берган яқинларингиз хотирасига ёдгорлик ўрнатилди. «Қатағон қурбонлари музейи» очилди. Бу ерда албатта бобонгиз Раҳимберди Амин ҳожи, амакингиз Мавлон домла, отангиз Фозилжон ота, олти фарзандини ерга бериб ҳам иродаси синмаган онангиз Энахон ая, акангиз Орифларнинг ҳам номлари зарҳал ҳарфлар билан битилишига ишонаман. Тарихнинг бир саҳифаси сифатида хотира дафтарингизни ҳам бу музейга топшираман.

**Амина ҚОДИРОВА.**

## ТАРИХ САБОҒИ

Шаҳидлар хотирасини ёд этмоқ, мозийга ҳақиқат назари билан боқмоқ миллий тарихимиз, қолаверса, келажак олдидаги инсоний бурчимиздир. Негаки, ҳақиқий тарихни билмай туриб, ўзликни англаб етиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди. Ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват олган инсонни енгиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Президентимиз айтганларидек, ёшларимизни шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур.

Биз Фитрат, Файзулла Хўжаев каби улуғ юртдошларимиз руҳи олдида қарздормиз. 30-йилларда фидойиларимиз кўксига отилган ўқ - миллатимиз, миллий маданиятимиз, маърифатимизга отилган ўқ эди. Улар фақат қатағон қурбони ёки шахсга сиғиниш қурбони бўлгани йўқ, балки давр қурбони ҳам бўлди.

Биз бугун Ҳурлик, Ҳуррият нафасидан баҳра олиб яшаётган инсонлар тарихнинг ана шу аччиқ ҳақиқатларидан сабоқ олишимиз, миллатпарвар, оқил Юртбошимиз атрофида янада жипсланиб мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ўз меҳнатимиз, ақлимиз, тадбиркорлигимиз билан ҳисса қўшмоғимиз шарт. Бу йўлдаги лоқайдлик, эътиборсизлик, сусткашлик кечириб бўлмас гуноҳдир.

Донолар топиб айтишган: Бўлар элнинг боласи бир-бирин дейди, Бўлмас элнинг боласи бир-бирин ейди. Бугун биз бир-биримизнинг юкимизга елка тутсак, оғиримизни енгил қилолсак, ўзаро аҳилликда яшасак, ёшларимизни истиқлол ғоялари асосида тарбиялаб вояга етказсак, бу кунларга етолмаган азиз зотларимизнинг ҳам руҳларини шод этган бўламиз.

**Шаҳобиддин ШАМСИЕВ,**
**кекса педагог.**




## ҚОР ҚЎЙНИДА ЛОЛАЛАР

Бу китобни кўз ёшларисиз, изтиробсиз, чексиз аламларсиз ўқиб бўлмайди. Унинг ҳар саҳифасида хотира бош кўтаради, ҳақиқий тарих бўй кўрсатади. Унда ўзбек аёлининг қаҳрамонона фидойилиги, миллат оналарининг бардоши, ҳақсизлик қурбони, ўн гулидан бир гули очилмаган маърифатли қизлар қисмати акс этади. Сатрлараро қараб турган мунгли нигоҳлар қалбингизда фарёд кўтариб кириб келади. Қамоқхона деворларида муҳрланган аёл қалбининг суратлари, гўдакдан ажратилган она кўксидан оқаётган оппоқ сутнинг уволи, Сибир ўрмонларида ёвузларга ем бўлган келинчаклар оҳи, кафансиз кўмилганлар, кўзи очиқ кетганлар армони, эҳ-ҳе, улар шунчалик кўпки, ўқиганинг сари тарихнинг зулмат қаъридан аждодларимиз руҳи чиқиб келаверади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси тавсияси билан чоп этилган «Қор қўйнида лолалар» деб номланган китобда, қатағон этилган аёллар ҳақида очерклар ўрин олган.

«Академия» нашриётида чоп этилган ушбу тўпламни тайёрлашда зукко олимлар ва элимиз фидойиларидан иборат таҳрир ҳайъати самарали иш олиб борган. Унга Бобохон Шарипов муҳаррирлик қилган. Китобнинг номи ҳуррият куйчиси Чўлпоннинг 1923 йилда ёзган «Қор қўйнида лолалар» ҳикоясидан рамзий маъно сифатида олинган.

# ДОВЮРАК

## Раҳим Иноғомов фожеаси

Архив ҳужжатлари орқали таниганим Раҳим Иноғомов Москвадаги Свердлов номли университетни тамомлаб, не-не орзу-ният билан туғилиб ўсган шаҳри Тошкентга келган эди. Лекин тижорат билан оила тебратган отаси худди шу йилларда қулоқ қилиндию Раҳим Иноғомов иши чаппасига кетди. Ўша 1925-26 йилларда у — йигирма уч ёшида Ўзбекистон Марказий ижроия қўмитаси аъзоси эди. Бало-қазо оёқ остида дейишлари бежиз эмас экан.

Ким билади, балки, отаси қулоқ қилингач - синфий душман бўлган қулоқ фарзанди сифатида унга бўлган ишонч йўқолгандир... Балки, 1926 йилда Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитетининг Пленумида маҳаллий зиёлиларни раҳбарлик ишларига жалб этиш масаласидаги чиқиши панд бергандир?!

Нима бўлганда ҳам 1937 йилнинг 10 октябрида Раҳим Иноғомов ҳибсга олинди. Уни Тошкентда эмас, Москвада қамоққа олдилар. Бу пайтда Раҳим Иноғомов Тошкентда бошланган ғиди-бидилардан нари бўлиш учун Москвага кетиб, пойтахтдаги электр заводининг кашфиётчилик бўлимини бошқариб юрган кезлари эди. Ҳибсга олингач, уни элак-элак қилиб тергов қиладилар:

САВОЛ: Миллатчилик Ташкилотига аъзо бўлганлигингизни зўр бериб инкор этаяпсиз. Миллатчилик фаолияти ҳақида очиқ кўрсатма беринг.

ЖАВОБ: 1926 йилда Марказий Ижроия Комитет пленумида давлат ташкилотларига маҳаллий зиёлиларни жалб этиш масаласида маъруза қилдим. 1925 йилда Воис Эшонхўжаев гуруҳида фаолият олиб бордим.

САВОЛ: 1924 йилда Сиз халқ душманлари Икромов ва Тожиев билан ҳамкорликда ВКП(б) Марказий Комитетига ҳужжат йўллагансиз. Бу ҳужжатда ВКП(б) Марказий Комитетининг Ўзбекистонда олиб борган фаолиятига туҳмат қилгансиз. Буни бўйнингизга оласизми?

ЖАВОБ: Ҳа, оламан. Мен Икромов, Тожиев ва бошқалар ҳақиқатдан ҳам Сталин номига мактуб йўллаганмиз. Бу мактубимизда ВКП(б) Марказий Комитетининг Туркистонда маҳаллий кадрлардан фойдаланиш борасидаги сиёсати нотўғрилигини баён этганмиз.

Архив ҳужжатларида сақланган ушбу кўрсатма билан танишар эканмиз, болалик чоғларимизда сиёсат борасида қулоғимизга чалиниб қолган айрим узун қулоқ гаплар хотирамда гавдаланади. У чоғлар ўзбек ёзувлари ўзгариб, ёши катталар саводсиз бўлиб қолгани туфайли биз бола-бақрадан лотин алифбосидаги газеталарни ўқиб беришни сўрашарди. Ўшанда «Иноғомовчилик» деган аксил шўровий ҳаракат ҳақидаги сўзлар хотирамда қолган экан. Терговдаги савол-жавобни ўрганар эканман, яқин ўтмиш бор важоҳати билан кўз ўнгимда тикланди.

Ҳозирги авлод «Иноғомовчилик» деб қораланган ҳаракатдан тамомила бехабар. Зеро то шу кунга қадар Ўзбекистон тарихида бу ходисалар ёритилмаган. Неча йиллар бадалида бу масалаларни таҳлил қилиб келган тарих фанлари доктори Рустамбек Шамсутдинов бу борада шундай ёзади: «Р. Иноғомов ўзининг бир қатор нутқларида Марказнинг Средазбюро, Средаз Эско каби назоратчи органларини зўравонликда айблайди...»

...Ўз КП(б) МК ва ВКП(б) Ўрта Осиё бюроси Р.Иноғомов билдирган танқидий фикрларни ва унинг фактларига қўшилганларни партияга қарши «Иноғомовчилик гуруҳи» деб сиёсий «тамға» босади ва уларга қарши республика партия ташкилотини оёққа турғизади.

1926 йил 12 декабрда Ўз КП(б) МК Ижроия бюроси «Р. Иноғомов фаолияти ҳақидаги масалани кўриб чиқиб «иноғомовчилик»ни Ўзбекистон Компартиясидаги «майда буржуачилик», «миллатчиликка томон оғиш» деб баҳолайди ва республика партия ташкилотларида кенг муҳокама қилиб «иноғомовчиликка» баҳо беришни топширади. Шунга биноан барча ташкилотлар (округ, туман, шаҳар партия қўмиталари ва ҳатто партия ячейкалари) мажлисларида «Иноғомовчилик» қораланди.

Бу ҳақда мақолаларни маҳалламиздаги қарияларга ўқиб берганим ҳамон ёдимда. Ўшанда отахонлардан бири бошини сарак-сарак қилиб:

— Хўпам ботир одам эканми бу Иноғомов деганларингиз-а? — деганди.

— Отнинг калласидек юраги бор экан, — қўшимча қилган эди Акбар қассоб деган қўшнимиз.

Бу гапларнинг мазмунини, «Иноғомовчилик» деган сўзнинг мазмун-моҳиятини англаб етмаганмиз у пайтлар. Эндиликда — орадан олтмиш йил ўтгандан сўнг Иноғомовнинг ўз оғзидан чиққан сўзлар билан ошно бўлиш насиб этиб, бу сўзнинг маъносига етаман.

Эндиликда англаб етдимки, йигирма беш ёшли Раҳим Иноғомов билимдонлиги ва халқпарварлиги боис, ўша чоғлардаёқ халқ, миллат манфаатига зид иш юритилаётганини билган ва бу қонунсизликнинг олдини олмоқ ниятида ҳаракат бошлаган. Аммо...

Тергов давом этади.

САВОЛ: 1925 йилдан 1930 йилларгача ва 1930 дан 1933 йиларга қадар Усмонхон Эшонхўжаев билан бўлган мулоқотларингизда партия сиёсатидан норозилик баён этгансиз, тасдиқлайсизми шуни?

ЖАВОБ: Усмонхон Эшонхўжаев билан бўлган мулоқотда мен Бутуниттифоқ Коммунистик Партия Марказий комитетининг Ўрта Осиё Бюроси сиёсатидан норозилик баён этганман.

САВОЛ: Терговнинг аниқлашига кўра 1928 йилда сиз миллатчи Йўлдош Ирисметов билан биргаликда, ер-сув ислоҳотига қарши бош кўтарган бешкентлик бой-эшоннинг гуруҳини қувватлагансиз. Шуни бўйнингизга оласизми?

ЖАВОБ: Йўқ, бўйнимга олмайман. У чоғларда мен ер-сув комиссияси раиси муовини бўлганман. Ер-сув ислоҳотини ўзим ўтказганман.

САВОЛ: Ҳибсга олинган аксил-инқилобий ташкилот аъзоларининг берган кўрсатмаларига биноан, маълум бўлишича, ташкилот аъзоларининг йиғини сизнинг уйингизда ўтказилар экан. Шу ҳақда кўрсатма беринг...

ЖАВОБ: Аксил-инқилобий ташкилотлар мажлиси менинг хонадонимда ўтказилмаган. 1924-1925 йилларда мен яшаган меҳмонхона номерида баъзида гуруҳимиз йиғини бўлиб ўтган. Унда Ханафия Бурнашев, Саидхўжаев, Усмонхон Эшонхўжаев, Акбар Исломов ва бошқалар иштирок этган...

Маҳбус Раҳим Иноғомов устидан чиқарилган айблов қарорида қуйидагилар қайд этилади: «Тергов материалларидан аниқланишига кўра Раҳим Иноғомов ўнг троцкийчилар маркази билан биргаликда ҳаракат қилган ҳолда аксил-инқилобий фаолият олиб борган. Шунингдек, Совет ҳокимиятини ағдариш ниятида қуролли қўзғолонга ҳозирлик кўрган - советларга қарши миллий ташкилот аъзоси бўлган. Шу ташкилот топшириғига кўра Иноғомов қишлоқ хўжалигида зараркунандалик билан шуғулланган. Шунингдек, ташкилотга янги аъзоларни жалб этиш йўлида фаолият олиб борган...»

Аммо у бу айбни инкор этганига қарамай иши судга оширилади.

1938 йилнинг 5 октябрида СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегиясининг сайёр сессиясида Раҳим Иноғомов СССР Марказий ижроия комитетининг 1934 йил 1 декабри қарори қўлланган ҳолда олий жазо - отувга, мол-мулкини мусодара этувга ҳукм этилади. Ҳукм ижро этилганда Раҳим Иноғомов ўттиз олти ёшда эди.

**Холида АҲРОРОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ



халқ саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари ва барча юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги байрами билан самимий табриклайди

**Барча шароитлар муҳайё этилган оромбахш шифо масканларимиз сизга доимо мунтазир!**








Ўзбекистон Республикаси акционерлик-тижорат «Пахта Банк»и барча акциядорларни ва мижозларни энг улуғ байрам билан қизғин табриклайди



